



ЭТНОСПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ МУҲИМ МАСАЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА

Тўрабоева Мадинахон Рахмонжон қизи¹

¹ Андижон давлат университети таянч докторанти
turaboyevamadina1993@gmail.com
<https://doi.org/10.5281/zenodo.5929012>

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 20 - yanvar 2022
Ma'qullandi: 25 - yanvar 2022
Chop etildi: 30 - yanvar 2022

KALIT SO'ZLAR

Этноспорт, давлат
сиёсати, миллий
қадрият, маданий
анъана, урф-одат, соғлом
турмуш, кураш, белбоғли
кураш, улоқ-қўпқари,
турон, бойқўрғон,
камондан отиш,
отчилик.

Долзарблиги. Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланди. Негаки, Учинчи Ренессансни қуришда жисмонан соғлом, ақлан этув, танқидий ва креатив фикрловчи кадрлар лозим. Аҳоли хусусан, ёшлар қатлами руҳан ва жисмонан баркамолликка эришсагина давлат юксалади. Бугунги кунга нафақат замонавий спорт турларини, балки миллий спорт ўйинлари, яъни этноспортни ривожлантириш, халқ орасида уни тарғиб этиш, жаҳон спорт майдонига олиб чиқиш бўйича кенг қўламли амалий ишлар олиб борилмоқда.

ANNOTATSIYA

Ушбу мақолада Республика миқёсида этноспортни ривожлантириш зарурияти, янги Ўзбекистон шароитида аҳоли ва спорчилар орасида миллий спорт ўйинлари оммалашувини таъминлаш миллий қадриятлар, маданий анъаналар, азалий урф-одатлар, мамлакатлар ўртасидаги туризм ва спорт ҳамкорлигини ривожлантириш, салоҳиятни юксалтиришда асосий масала эканлиги хусусида фикр юритилади.

Халқ ўйинлари қадимдан давлатчилик шаклланиши, жамоани бирлаштириш ва ҳимоя қилишда юксак аҳамият касб этганлиги, аҳолининг жисмонан соғлом, қатъиятли, сабр-матонатли, ҳозиржавоб ва маънавий етук бўлиб камол топишига хизмат қилганлиги ҳаммамизга маълум.

Тадқиқот мақсади. Республикаимизда миллий спорт турларини ривожлантириш ва оммалаштириш ҳукумат томонидан илгари сурилган муҳим ташаббуслардан бири бўлиб, номоддий маданий меросни асраш, аҳоли ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш ҳамда



оммалаштириш муҳим масала ҳисобланмоқда.

Тадқиқот вазифалари. Хусусан, “жамиятимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши учун замон талабларига мос шарт-шароитлар яратиш, иқтидорли спортчиларни саралаб олиш ишларини тизимли ташкиллаштириш, буюк аждодларимиз Амир Темур, Бобур Мирзо, Жалолиддин Мангубердилардан мерос бўлиб қолган камондан отиш анъаналари ва қадриятларини келажак авлодларга етказиш, миллий спорт турларини кўпайтириш, камондан отиш спорт тури бўйича миллий терма жамоамизнинг Олимпияда ва Паралимпияда, Осиё ва Параосиё ўйинларида ва бошқа йирик мусобақаларда муносиб иштирок этишини таъминлаш” юзасидан мақсадли вазифалар белгиланган.

Тадқиқот натижалари ва унинг муҳокамаси. Ўзбек халқининг кўп асрлар давомида шаклланган: кураш, белбоғли кураш, улоқ-кўпқари, турон, бойқўрғон, камондан отиш, отчилик каби миллий спорт турлари билан ёш авлодни яқиндан таништириш, буюк аждодлардан мерос саналган ушбу этносспорт наъмуналарини сақлаб қолиш, ривожлантириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида йилқичилик ва от спортини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”[1], “Камондан отиш спорт турини янада ривожлантириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”[2], “Йилқичилик ва от спортини янада

ривожлантириш ҳамда замонавий бешкураш ва поло спорт турини оммалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”[3] ги бир қатор қарорлари қабул қилинди.

Республикамизда “Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш” Вазирлигини ташкил этилганлиги[4], унинг қошида “Маҳалла ва оила” илмий тадқиқот институти[5] самарали фаолият олиб бораётгани эътирофга молик бўлиб, этносспорт турларини тарғиб-ташвиқ қилишда ҳам ташаббускорлик кўрсатаётгани юқорида келтирилган, давлат сиёсати даражасига кўтарилган вазифаларни бажаришда салмоқли ишларни амалга ошириб бораётгани айтиш мумкин. Негаки, шахс ижтимоийлашувининг ибтидоси ҳисобланмиш оила, маҳалла каби институтларда миллий анъана ва урф-одатларга содиқлик чин маънода сақланган бўлади.

Этноспорт турларининг ҳар бири келиб чиқиш ва ривожланиш тарихига эга бўлиб, бугунги кунда ҳам ўз кадр-қимматини йўқотмай, ёшлар ва спортчилар орасида оммалашиб келаётган миллий спорт турлари ҳақида қисқача қуйидагиларни келтириш мумкин:

- Кураш[6] – [спорт](#) тури, белгиланган қоидага мувофиқ икки спортчининг яккама-якка олишуви. Курашиш санъати кўп халқларда қадим замонлардан буён маълум. Кураш айниқса, Юнонистонда кенг тарқалиб, қадимий [олимпиада](#) мусобақаларидан доимий ўрин олиб келган. Миллий курашнинг хилма-хил кўринишлари Греция, Италия, Япония, Туркия, Эрон, Афғонистон, Россия, Ўзбекистон, Грузия,



Арманистон, Озарбайжон, [Қозоғистон](#) ва бошқа мамлакатларда мавжуд. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши ва яратилган шарт-шароитлар, эътибор ва заҳматли меҳнатлар натижасида Ўзбек спорти номи билан дунёга юз тутган кураш халқаро майдонда омалаштирилди, дунёнинг 130 дан ортиқ мамлакатига кураш янги спорт тури сифатида кириб борди. Унинг алоҳида спорт тури сифатида Осиё ўйинлари дастурига киритилиши нафақат Ўзбекистон, балки дунё спорт жамоатчилиги тарихидаги муҳим воқеалардан бири бўлганлиги, шубҳасиз.

- белбоғли кураш[7] – жуда қадимий спорт турларидан биридир у милoddан аввалги 2-3 асрларда пайдо бўлган. Ушбу курашнинг кўп жиҳатлари ўзбек халқ миллий курашига ўхшаб кетади, лекин бу [спорт](#) турида спортчилар асосан белбоғ орқали курашадилар. Бу спорт тури икки киши ўртасида амалга оширилади. Белбоғли курашнинг асосий кийимларига курашиш учун яктак ва белбоғ киради.

- Улоқ, кўпкари[8] – Ўрта Осиё халқларининг қадимий оммавий, миллий ўйинларидан бири. Асосан, ғалаба ва ҳосил байрамлари, тўй ва сайиллар муносабати билан ўтказилган. Ҳукмдор ва ҳар хил амалдорлардан ташқари ўзига тўқ одамлар, ҳатто оддий аҳоли ҳам улоқ ўйинларини ташкил этган. Кўпроқ хатна (чипрон) тўйларида урф бўлган. Улоқ туркий халқлар, айниқса, унинг қўнғирот, қурама, минг, манғит, ойрат, ёйилма, кенегас, қипчоқ, барлос каби уруғлари орасида омалашган. Улоқ томошалари олдидан махсус жарчилар қишлоқ, овулларга юборилиб, одамлар гавжум жойларда,

бозорларда улоқ ким томонидан, қайерда, қачон ва нима мақсадда ўтказилаётганлигини ҳамда қўйиладиган совринларни эълон қилган. Турли жойда ҳар хил қоида бўйича (чортоқ, судратма, марра, пойга, пакка, минбар ва бошқа номлар билан аталган) улоқ ўйини уюштирилган. Улоқ қўнғилочар томоша ёки шунчаки ўйин бўлмасдан ўғил болалар, йигитларни мард, жасур, эпчил, довюрак қилиб тарбиялаш вазифасини бажарган. Улоқ ўйинлари от наслини яхшилашга, чидамли, тез ҳаракат қиладиган зотларини кўпайтиришга ёрдам қилган. Қорабайир, араби, ахалтекин, қурама, лақай, кустанай, қорабоғ ва Орлов от зотлари улоқчи отлар ҳисобланади;

- Камондан отиш[9] – 15-асрда Швейцарияда пайдо бўлган. АҚШ, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Италия, Канада, Польша, Россия каби давлатларда Камондан отиш кенг ёйилган. Ўзбекистонда Камондан отиш 20-асрнинг 60-йилларидан омалашди. Ушбу спорт тури учун диаметри 40-122 см доира нишонга 18-90 м узокликдан ўқ узилиб балл тўпланади. Президент қарори билан мамлакатда камондан отиш ривожлантирилиб, омалаштирилмоқда. Тошкентда ҳар йили “Алпомиш ва Барчиной”, Самарқандда – “Тўмарис кубоги” мусобақалари, Бухоро, Қўқон, Самарқанд ва Хивада – “Туризм ва камондан ўқ отиш ҳафталиги” ташкил этилмоқда.

Хулоса. Мамлакатимиз миллий ва маданий қадриятларни кўз қорачиғидек асраб келаётган дунёдаги энг қадимий масканлардан бири. Шу жиҳатдан,



юртимизда асрлар мобайнида миллий ўйинларга, уларнинг ривожини ва оммавийлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб келинади. Давлатимиз томонидан илгари сурилган муҳим ташаббуслардан бири ҳам айтиш шунки – ўзликни намоён этиш, азалий қадриятларни асраш, тараққиётни маваффақиятли таъминлашдан иборатдир.

Юртимизда амалга оширилаётган ҳар бир ҳаракат ва тадбирнинг ортида у ёки бу мақсадлар мужассам. Этноспорт тизими ривожини таъминлаш орқали эса миллий қадриятлар, маданий анъаналар, азалий урф-одатлар, мамлакатлар ўртасидаги туризм ва спорт ҳамкорлигини ривожлантириш, салоҳиятни юксалтириш, сайёҳлик имкониятларига қулай шарт-шароит яратиш масалалари назарда тутилган.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида йилқичилик ва от спортини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. (<https://president.uz/uz/lists/view/2480>).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 18 майдаги “Камондан отиш спорт турини янада ривожлантириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 18.06.2021 й., 07/21/5149/0566-сон).
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги “Йилқичилик ва от спортини янада ривожлантириш ҳамда замонавий бешкураш ва поло спорт турини оммалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5024-сонли Қарори. (<https://lex.uz/docs/5554856>).
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 4602-сонли Қарори. (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 08.10.2021 й., 06/21/6320/0940-сон).
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 июндаги “Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузурида “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 367-сонли Қарори. (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.10.2021 й., 09/21/624/0940-сон).
6. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-k/kurash-uz/>
7. https://uz.wikipedia.org/wiki/Belbog%CA%BBli_kurash
8. <http://sport.ziyonet.uz/uzc/kinds/76>
9. <http://sport.ziyonet.uz/uzc/kinds/13>